

# ҚҰШАЛОҚ СУПЕРФОСФАТ ТИПИДАГИ NPS ҮФИТЛАР ОЛИШ ИМКОНИЯТИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ

*Арисланов Акмалжон Сайиббаевич т.ф.ф. д., доцент,  
Наманган мұханандислик-технология институти.  
Вохидов Шермухаммад Мамадалиевич, катта үқитувчи,  
Наманган мұханандислик-технология институти.*

**Аннотация:** Мақолада термик фосфат кислотадаги  $P_2O_5$  ни сульфат кислота билан қисман алмаштирилғанда сульфат кислота ақамиятими аниқлаш учун 10, 20 ва 30%  $P_2O_5$  ни сульфат кислота билан алмаштирилған ҳамда аммоний нитрат ва магний сульфат бўлган кислоталар аралашмасида трикальцийфосфатни парчалаш жараёни ўрганилди. Фосфат кислотада аммоний нитрат ва магний сульфат ёки уларнинг биргалиқдаги микдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда нордон бўтқа таркибидаги  $SO_3$  умумий ва сувли шаклларининг кўпайиши аниқланди.

**Таянч сўз иборалар:** Марказий Қызылкумфосфоритлари, термик фосфат кислота, магний сульфат, аммоний нитрат, сувли эритмага  $SO_3$  ни ажралиш даражаси, сульфат кислота улушки, трикальцийфосфат.

**Abstract:** In order to determine the importance of sulfuric acid when  $R_2O_5$  in thermal phosphoric acid is partially replaced by sulfuric acid, the decomposition process of tricalcium phosphate was studied in a mixture of acids with 10, 20 and 30%  $R_2O_5$  replaced by sulfuric acid and ammonium nitrate and magnesium sulfate. An increase in total and aqueous forms of  $SO_3$  in sour porridge was determined, regardless of the amount of ammonium nitrate and magnesium sulfate or their combination in phosphoric acid.

**Key words:** Central Kyzylkum phosphorites, thermal phosphoric acid, magnesium sulfate, ammonium nitrate, degree of release of  $SO_3$  into aqueous solution, percentage of sulfuric acid, tricalcium phosphate.

Трикальцийфосфатни парчалаш жараёнини ўрганиш лаборатория қурилмасида даврий шароитда нисбатан юқори концентрацияли термик фосфат кислота билан ҳам олиб борилди ва бунда 10, 20 ва 30%  $P_2O_5$  ни  $H_2SO_4$  билан алмаштириб ўрганилди. Бунинг учун маълум микдордаги

фосфат кислота парракли аралаштиргич билан жиҳозланган термостатик бошқариладиган реакторга киритилди ва белгиланган ҳароратга етгач, ҳисобланган трикальцийфосфат миқдори қўшиб борилди. Маълум вақтдан сўнг  $P_2O_5$ ,  $CaO$ ,  $SO_3$  нинг турли шакллари миқдорини аниқлаш ва  $CaO$  ва  $SO_3$  ни суюқ фазага ажралиб чиқиш даражасини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун бўтқа намуналари олинди.

Аммоний нитрат билан фаолланган экстракцион фосфат кислота ишлатилганда уни таркибида Қаратоғ ва Марказий Қизилқум фосфоритларидағи каби йўлдош қўшимча моддлар сифатида магний бирикмалари бўлади. Шунинг учун  $P_2O_5$  ни сульфат кислотага қисман алмаштириш орқали фосфат кислота билан трикальцийфосфатни парчалаш бўйича тадқиқотлар таркибида аммоний нитрат (1%) ва магний сульфат (2%  $MgO$ ) бўлган термик фосфат кислота билан амалга оширилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### **Таркибида аммоний нитрат ва магний сульфат бўлган фосфат кислотани қисман сульфат кислотага алмаштиришнинг бўтқа кимёвий таркибига таъсири**

№	Кўрсаткичлар	Бўтқадаги компонентлар миқдори, оғ. %								
		H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub> ни H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> га алмаштирилганда, %								
		10	20	30	10	20	30	10	20	30
1.	ФК даги $P_2O_5$ бошлангич концентрацияси, %	16,10	14,52	12,89	24,17	21,78	19,33	32,22	29,04	25,77
2.	ФК даги $SO_3$ бошлангич концентрацияси, %	4,54	5,58	6,64	5,04	6,60	8,21	5,54	7,63	9,76
3.	Бўтқадаги миқдори:									
	$P_2O_5$ (умум.), %	20,95	19,70	18,40	29,07	29,29	25,47	36,04	33,80	31,50
	$P_2O_5$ (ўзл.), %	19,89	18,94	18,19	27,94	28,27	24,94	35,74	33,58	31,35
	$P_2O_5$ (с.э.), %	18,42	17,90	17,03	25,64	26,76	23,66	32,96	31,60	30,30
	$SO_3$ (умум.), %	3,80	4,66	5,53	3,90	5,09	6,31	3,98	5,46	6,96
	$SO_3$ (с.э.), %	1,34	1,36	1,23	1,34	1,50	1,40	1,41	1,55	1,54
	$CaO$ (умум.), %	8,85	8,96	9,07	12,28	12,42	10,62	15,22	15,38	15,51
	$CaO$ (с.э.), %	2,68	2,25	1,86	3,71	3,20	2,24	4,62	3,91	3,39
	$MgO$ %	1,48	1,48	1,47	1,37	1,36	1,36	1,27	1,27	1,26
	N %	0,29	0,29	0,29	0,27	0,27	0,27	0,25	0,25	0,25
4.	намлик, %	51,27	51,86	52,45	36,98	37,88	38,77	24,74	25,88	27,06
	( $P_2O_5$ ўзл.: $P_2O_5$ ум.)×100, %	94,94	96,14	98,86	96,11	96,52	97,92	99,17	99,35	99,52
	( $P_2O_5$ с.э.: $P_2O_5$ ум.)×100, %	87,92	90,86	92,55	88,20	91,36	92,89	91,45	93,49	96,19
	$P_2O_5$ ўзл. бўйича К <sub>парч.</sub> , %	85,83	89,97	97,67	89,11	90,96	95,75	97,68	98,31	99,02
	Сувли эритмадаги $CaO$ бўйича К <sub>ажр.</sub> , %	30,28	25,11	20,51	30,21	25,76	21,09	30,36	25,42	21,86
	Сувли эритмага $SO_3$ ни ажралиш даражаси, %	35,26	29,18	22,24	34,36	29,47	22,19	35,43	28,39	22,13

Бошланғич фосфат кислотага аммоний нитрат (1%) ва магний сульфат (2% MgO) қўшилганда ва унинг 10% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни сульфат кислотага алмаштирилганда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни 16,10% гача камайишига олиб келади ва бунда 4,54% SO<sub>3</sub> бўлади. Сульфат кислота улушини 20% гача оширилиши SO<sub>3</sub> миқдори 5,58% бўлганда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> миқдорини 14,52% гача камайтиради, 30% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни алмаштирилиши P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> миқдорини 12,89% гача камайтиради.

Бунда SO<sub>3</sub> нинг миқдори 6,64% ни ташкил қиласди. Бу кислоталарни буғлатилиши таркибида 24,17-19,33% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва 5,04-8,21 % SO<sub>3</sub> ҳамда 32,22-25,77% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва 5,54-9,79 % SO<sub>3</sub> бўлган фосфат кислота олиш имконини беради.

Ўзлашадиган шаклнинг умумий шаклига нисбати 94,94% дан 96,14% ва 98,86% гача ҳамда сувда эрувчан шаклнинг умумий шаклига нисбати 87,92% дан 90,86% ва 92,55% гача ортади. Мувофиқ равишда трикальцийфосфатнинг парчаланиш коэффициенти 85,83% дан 89,97 % ва 97,67% гача ортади.

H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> улушининг ортиши билан SO<sub>3</sub> ни суюқ фазага ажралиш коэффициенти камаяди ҳамда 35,26-22,24%, 34,36-22,19% ва 35,43-22,13% ни ташкил қиласди. Бу эса фосфат кислотада H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> миқдори ортиши билан бўтқадаги SO<sub>3</sub> сувда эрувчан шаклдаги улушининг камайиб боришини кўрсатади.

Фосфат кислотанинг юқорироқ концентрацияли эритмаларидан фойдаланиш сульфат кислота улуси ортганда CaO умумий ва сувда эрувчан шакллари миқдорининг ортишига олиб келади. Масалан, концентрацияси 24,17% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва таркибида 5,04% SO<sub>3</sub> бўлган фосфат кислота эритмасидаги CaO миқдори 12,28%, концентрацияси 32,22% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва таркибида 5,54% SO<sub>3</sub> бўлган фосфат кислота эритмасидаги эса CaO сувда эрувчан шаклининг миқдори 4,62% ни ташкил этади. Сульфат кислота улушининг ортиши CaO сувда эрувчан шакли миқдорининг камайишига олиб келади. H<sub>3</sub>PO<sub>4</sub> концентрацияси ортганда ва 10-30% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> га алмаштирилганда CaO ни суюқ фазага ажралиш коэффициенти 30,28-20,51% дан 30,21-21,09% гача ва 30,36-21,86% гача камаяди.

2-жадвалда 10%, 20% ва 30% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни сульфат кислотага алмаштирилганда таркибида 1% аммоний нитрат ва магний сулфат бўлган термик фосфат кислота билан трикальцийфосфатни парчалаш маҳсулотларини қуритиш жараёнининг натижалари келтирилган. Бўтқани 105°C ҳароратдаги қуритиш шкафида 3% дан кам намлик қолгунча амалга оширилди.

## 2-жадвал

### Таркибида аммоний нитрат ва магний сульфат бўлган фосфат кислотани қисман сульфат кислотага алмаштиришнинг маҳсулот кимёвий таркибига таъсири

№	Кўрсаткичлар	Компонентлар миқдори, оғ. %								
		H <sub>3</sub> PO <sub>4</sub> ни H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> га алмаштирилганда, %								
		10	20	30	10	20	30	10	20	30
1.	ФК даги P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> бошлангич концентрацияси, %	16,10	14,52	12,89	24,17	21,78	19,33	32,22	29,04	25,77
2.	ФК даги SO <sub>3</sub> бошлангич концентрацияси, %	4,54	5,58	6,64	5,04	6,60	8,21	5,54	7,63	9,76
3.	Маҳсулотдаги миқдори:									
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (умум.), %	41,28	39,35	37,63	45,17	45,69	41,60	46,94	44,52	41,77
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (ўзл.), %	39,52	38,13	37,51	43,75	44,54	41,06	46,61	44,29	41,68
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (с.э.), %	36,42	35,91	35,08	40,17	42,17	39,18	43,30	41,97	40,62
	SO <sub>3</sub> (умум.), %	7,49	9,31	11,31	6,06	7,94	10,07	5,18	7,19	9,23
	SO <sub>3</sub> (с.э.), %	3,02	3,06	2,87	2,32	2,56	2,70	1,88	2,18	2,34
	CaO (умум.), %	17,44	17,90	18,55	19,08	19,38	16,95	19,82	20,26	20,57
	CaO (с.э.), %	6,14	5,07	4,37	6,64	5,56	4,25	6,47	5,75	4,95
	MgO %	2,94	2,96	3,01	2,13	2,12	2,17	1,65	1,67	1,67
	N %	0,57	0,57	0,57	0,42	0,42	0,42	0,32	0,32	0,32
4.	намлик, %	3,98	3,85	2,75	2,08	3,09	2,27	1,97	2,37	3,28
	(P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ум.)×100, %	95,74	96,90	99,70	96,86	97,48	98,70	99,30	99,48	99,78
	(P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> с.э.:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ум.)×100, %	88,23	91,26	93,22	88,93	92,29	94,18	92,25	94,27	97,25
	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл. бўйича K <sub>парч.</sub> , %	88,07	91,94	99,39	91,20	93,45	97,34	98,04	98,65	99,55
	Сувли эритмадаги CaO бўйича K <sub>ажр.</sub> , %	35,21	28,32	23,56	34,80	28,69	25,07	32,64	28,38	24,06
	Сувли эритмага SO <sub>3</sub> ни ажралиш даражаси, %	40,32	32,87	25,36	38,28	32,24	26,81	36,29	30,32	25,35

Натижалардан кўринадики, 10, 20 ва 30% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ни сульфат кислотага билан алмаштириш орқали нисбатан юқоригоқ концентрацияли фосфат кислотадан фойдаланиш юқори даражада парчаланадиган маҳсулот олиш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Арисланов А.С. Разработка технологии получения кальцийсодержащих азотно-фосфорных удобрений с водорастворимой

формой сульфатов из фосфоритов Караганы и Центральных Кызылкумов.  
Дисс. ... канд. техн. наук. – Наманган- 2022. – 127с.

2. Гафуров К., Шамшидинов И.Т., Арисланов А.С. Сернокислотная переработка высокомагнезиальных фосфатов и получение NPS-удобрений на их основе//Монография.– Наманган: Издательство «Истеъдод зиё пресс», 2020. – 136 с.

3. Atamirzaev M.M. Tabiiy obektlardan xrom ionini sorbsion-spektrofotometrik aniqlash usulini ishlab chiqish. Andijon mashinasozlik instituti mashinasozlik ilmiy-texnika jurnali. 2023-yil. 244-247 -bet.

4. Atamirzaev M.M. Xrom ionini sorbsion-spektrofotometrik aniqlash usulini ishlab chiqish. Andijon mashinasozlik instituti mashinasozlik ilmiy-texnika jurnali. 2023-yil. 241-244-bet.

5. Розикова Д. А., Хамдамова Ш.Ш., АрислановА.С., Атамирзаев М.М. Исследование процесса получения NP-удобрений на основе продуктов солянокислотного разложения фосфатного сырья. Таълим фидойилари халқаро журнал.октябрь 2023 йил. Бет 91-97